

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

ЧИЗМАЛАР АЛЬБОМИ

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Муаллифлар:

Б. А. Саидов
Г. С. Тастанбекова
У. Э. Фозилов
А. А. Нуридуллаев

Тақризчилар:

юридик фанлар доктори **Ж. Тошқулов**
юридик фанлар номзоди, доцент **Н. П. Азизов**

И-80 **Ислом ҳуқуқи:** Чизмалар альбоми / Б. А. Саидов, Г. С. Тастанбекова, У. Э. Фозилов, А. А. Нуридуллаев.
– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 83 б.

Мазкур чизмалар альбомида ислом ҳуқуқи фанининг асосий тушунчалари, ислом динининг пайдо бўлиши, ислом ҳуқуқининг манбалари, диний мазҳаблар, исломда ҳуқуқий нормалар ва уларнинг муносабатлари ёритилган.

Олий таълим муассасалари талабалари, исломшунос мутахассислар, илмий тадқиқотчилар ҳамда ИИВ Академияси тингловчи-курсантлари учун мўлжалланган.

КБК 67.3я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017

К И Р И Ш

Ислом ҳуқуқи – мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисмидир. Ислом ҳуқуқи ҳуқуқ тизимини ташкил қилувчи бошқа соҳалар – конституциявий, фуқаровий, маъмурий, жиноят-ижроия ва шу қабилар билан биргаликда, жамиятда шаклланган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга мўлжалланган. У бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда, жамият ижтимоий ҳаётининг барча асосий соҳалари, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги муносабатларни муқаддас Қуръони Карим ва бошқа манбалар орқали тартибга солиши билан ажралиб туради. Бундан ташқари, бошқа йўналишларда кенг қамровли муносабатларни тартибга солиш ҳам ислом ҳуқуқининг вазифалари қаторига киради.


Мазкур чизмалар альбомида «ислом ҳуқуқи» тушунчаси, унинг предмети, методлари, ислом динининг вужудга келиши, ислом ҳуқуқининг манбалари, шунингдек, ислом ҳуқуқий нормалари, хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимида ислом ҳуқуқининг тутган ўрни ҳамда бошқа мавзулар ёритилган бўлиб, бу ёшларнинг ислом ҳуқуқи фанидан олган билимларини тизимлаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

1-мавзу. “ИСЛОМ ҲУҚУҚИ” ТУШУНЧАСИ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ

Ислом ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши



**Ҳуқуқий
тизимлар
таснифи**
(француз
ҳуқуқшуноси
Рене Давид)



**ШИМОЛИЙ
АФРИКА:**
*Сенегал
Гамбия
Нигерия
Сомали*

**АҲОЛИСИ-
НИНГ
80 ФОИЗДАН
ОРТИҚРОҒИ
МУСУЛМОН
МАМЛАКАТ-
ЛАР**

**ҒАРБИЙ
ОСИЁ:**
*Покистон
Афғонистон
Бангладеш
Индонезия*

ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Ислам ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари

Мусулмон давлатларда ҳокимиятнинг ижтимоий моҳияти

Мусулмон давлатларда бошқарув ва давлат тузилиши шакллари

Ислам ҳуқуқининг табиати, манбалари ва мазҳаблари

Ислам ҳуқуқининг нормалари, таркиби ва асосий тузилмалари


Ҳозирги мусулмон мамлакатларида миллий ҳуқуқни ўрганиш


Мусулмон фақиҳлари таъбирича:


давлатнинг бошлиғи – олий зот

илоҳий ҳокимият (теократия)


мамлакат қонунлари унинг бевосита амри









Давлат ва ҳуқуқ
назарияси




Давлат ва ҳуқуқ тарихи



Фуқаролик ҳуқуқи



Халқаро ҳуқуқ



Жиноят ҳуқуқи

ИСЛОМ ХУҚУҚИ ФАНИНИНГ МЕТОДЛАРИ

Диалектик

Тарихий

Қиёсий

Догматик

Ислом ҳуқуқи назарияси ва тарихи – ислом ҳуқуқи, ислом сиёсий-ҳуқуқий ғоялари тарихидир.

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Ўзбекистонда фиқҳнинг шаклланиши ва
унда исломгача мавжуд бўлган ҳуқуқий
анъаналар ҳамда бошқа ижтимоий
нормаларнинг акс этиши*

*Мусулмон маънавий меросининг муҳим
қисми ҳисобланган ислом ҳуқуқи (ислом
ҳуқуқи, фиқҳ, усул-ал фиқҳ)нинг назарий
негизлари*

*Ислом ҳуқуқида диний-ахлоқий ва
ҳуқуқий ақидаларнинг ўзаро
алоқадорлиги*

*Ислом ҳуқуқий доктринаси
(таълимоти)нинг жаҳон ҳуқуқий
тафаккурининг бир қисми сифатидаги
эволюцияси*



Ислом ҳуқуқи ва шахснинг ҳуқуқий мақоми йўналишида қуйидагилар ўрганилади:

ислом ҳуқуқида шахс мақомининг диний ва ҳуқуқий жиҳатлари

муслмонларнинг шахсий мақоми ҳақидаги ислом таълимотлари

эркин эътиқод тамойили ва муслмонлар мақомининг ҳуқуқий жиҳатлари

муслмонларнинг номусулмон мамлакатлардаги мақоми ва унинг ҳуқуқий мустаҳкамланиши (Шарқ ва Ғарбдаги турли давлатлар мисолида)

муслмон мамлакатларда муслмон бўлмаганларнинг мақоми (давлат фуқаролари ва чет эл фуқаролари)

Ислом ҳуқуқи тадқиқотчилари жиноят ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг бир қанча таснифларини ишлаб чиққанлар. Аксарият таснифлар замирида қуйидаги икки мезон ётади:

у ёки бу қилмиш учун жазо белгилаш даражаси

бузилган ҳуқуқлар хусусияти

**ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ФИКРИЧА,
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧ ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ:**

«ҳадд» жазосига лойиқ Аллоҳга қарши жиноятлар

«дия» жазосига мустаҳиқ бўлган айрим шахсларнинг ҳуқуқларига қарши жиноятлар

«таъзир» жазоси назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар


2-мавзу. ИСЛОМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Ислом ҳуқуқи – ислом динининг ажралмас қисми. Ушбу дин тамойилларига асосланган ислом ҳуқуқи VII–XIII асрларда Араб халифалигида вужудга келди


V–VII асрларда Арабистонда тарихий ҳаракатдаги асосий куч – ғарбий, марказий ва шарқий ҳудудларда яшовчи араблар эди. Жанубий Арабистон аҳолиси деҳқончилик ва ҳунармандчиликда юксак тараққий топиб, ўзига хос маданиятга эришганига қарамай, бу даврда таназзулга юз тутган эди

Исломнинг пайдо бўлиши Макка шаҳрида дунёга келган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570 – 632 йй.)нинг номи билан боғлиқ. Ислом дини пайғамбари Муҳаммад (с.а.в) айна пайтда қабила бошлиғи – Саййид, ҳарбий юришлар бошлиғи, бош қози, даъватчи эди. У зот барча араб қабилаларини бир шаҳарга бирлаштириб, давлатга асос солди. Умрининг сўнгги йилларида Муҳаммад (с.а.в) Арабистоннинг катта қисмини ўз ҳокимияти ва таъсири доирасига бўйсундирди


МУҲАММАД ПАЙҒАМБАРНИНГ ИЛК ИЗДОШЛАРИ
БУТУН МУСУЛМОН ОЛАМИДА
ТЎҒРИ ЙЎЛДАГИ ХАЛИФАЛАР ДЕБ ТАН ОЛИНАДИ



Абу Бакр
(632 – 634 йй.)



Умар
(634 – 644 йй.)



Усмон
(644 – 656 йй.)



Али
(656 – 662 йй.)

**ХАЛИФАЛАР ҚЎЛЛАРИДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ҲОКИМИЯТНИ САҚЛАБ
ТУРАР ЭДИЛАР. ҲОКИМИЯТНИНГ МАНБАИ, ЯЪНИ АСОСИ ЭСА
ҚУЙИДАГИЛАР ЭДИ:**



*ҲОКИМИЯТНИНГ ХАЛҚ ТОМОНИДАН
САЙЛАНИШИ*



ХАЛИФАНИНГ ВАСИЯТ ФАРМОЙИШИ

Халифанинг вориси бўлиш учун қуйидаги талаблар қўйилган: халифа оила аъзоларининг бири қурайшлар, яъни Муҳаммад (с.а.в.) уруғидан бўлиши; балоғат ёшига етган ва жисмоний камчилиги бўлмаслиги; илмли ва эркин мулкка эга шахс бўлиши

Халифа – пайғамбарнинг издоши, Аллоҳнинг ердаги вакили.

ХАЛИФАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:

давлатни бошқариш

ҳарбий ишларга раҳбарлик
қилиш


соф исломни ҳимоя қилиш

ички осойишталикни
таъминлаш

одил судловни амалга
ошириш

мансабдорларни
тайинлаш

Жоҳилия даврида никоҳнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлган:



“Жоҳилия” сўзининг луғавий маъноси жаҳолат, омилик, нодонликдир.

**ҚУРЪОНДА ЖИНОЯТ ҲИСОБЛАНГАН ҚИЛМИШЛАРНИ ҚУЙИДАГИ
ТЎРТ ГУРУҲГА АЖРАТИШ МУМКИН:**

динга қарши жиноятлар

ҳокимиятга қарши жиноятлар

шахсга қарши жиноятлар

мулкка қарши жиноятлар

Илк мусулмон давлатида судлов, суриштирув ишлари арабларнинг урф-одат таомиллари, сўнг Қуръон ва сунна нормалари асосида амалга оширилар эди. Жазо тайинлаш халифа ва унинг ноибларига тегишли ҳуқуқ бўлган.

**ИСЛОМ ДИНИНИНГ
АСОСИЙ АРҚОНЛАРИ**

Аллоҳнинг ягоналиги ва Муҳаммадни
пайғамбар деб ишониш

Закот бериш

Намоз ўқиш

Рўза тутиш

Ҳаж амалларини адо этиш

ИСЛОМ РАСМАН (КОНСТИТУЦИЯДА) ДАВЛАТ ДИНИ СИФАТИДА АМАЛ ҚИЛАДИГАН МАМЛАКАТЛАР

Саудия Арабистони
(Саудия Арабистони Қироллиги)

Уммон (Уммон Султонлиги)

Қатар (Қатар давлати)

Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)

Афғонистон (Афғонистон Ислом давлати)

Баҳрайн (Баҳрайн давлати)

Миср Араб Республикаси

Иордания
(Иордания Ҳошимийлар Қироллиги)

Жазоир (Жазоир Халқ демократик
Республикаси)

Ливан (Ливан Республикаси)

Сурия (Сурия Араб Республикаси)

Қувайт (Қувайт Амирлиги)

Марокаш (Марокаш Қироллиги)

Эрон (Эрон Ислом Республикаси)

Покистон (Покистон Ислом Республикаси)

Ироқ Республикаси



ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТГАН ОМИЛЛАР

VIII асрдан бошлаб ислом Мовароуннаҳрда ҳукмрон динга айланди ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди

Ислом ҳуқуқи ва ислом ҳуқуқи меъёрларининг шаклланиш жараёнида маҳаллий шароит ва урф-одатлар ҳисобга олинган. Қуръони Карим, сунна талаблари, яккахудолик тамойили, яъни тавҳидга зид бўлган ҳамма нарсаларга барҳам берилган

Ислом дини, мусулмон ҳуқуқи, ислом фалсафаси – калом ҳамда бошқа ислом тамойиллари ва талаблари VII – XII асрлар мобайнида босқичма-босқич ривожланиб борган

Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Нажмиддин ан-Насафий, Мотуридий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Гиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, ас-Сухравардий каби мовароуннаҳрлик буюк алломалар ислом маданияти ва ҳуқуқининг ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар. Кейинроқ (XIV асрда) улар қаторига Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқалар қўшилди

Мовароуннаҳр аҳолиси оммавий тарзда ислом динини қабул қилганидан сўнг мусулмонлар томонидан муқаддас жойларни, асосан, Маккани зиёрат қилиш диний алоқаларининг кенг тарқалган шаклига айланди

3-мавзу. ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ

**БУЮК ФАҚИҲЛАР ТОМОНИДАН ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ
АСОСИЙ МАНБАЛАРИ ТЎРТТА ДЕБ ТАН ОЛИНГАН:**

Қуръони Карим

пайгамбаримиз сунналари

*Расулulloҳ (с.а.в)
издошларининг ижмолари*

қиёс

Дуо – Қуръондан сура ва оятларни ўқиб, сўнгра Аллоҳ таолодан ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш, илтижо қилиш.

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУРАЛАРИ ИККИГА БЎЛИНАДИ:



Мақкаий
суралар



Маданий
суралар

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУРАЛАРИ УЧ МАРТА ТЎПЛАНГАН:



*Муҳаммад (с.а.в)
даврида*



Абу Бакр даврида




*Ҳазрати Усмон
даврида*


**ҚУРЪОНИ ҚАРИМ 610–632 ЙИЛЛАРИ АЛЛОҲ
ТОМОНИДАН ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД (С.А.В.)ГА
НОЗИЛ ҚИЛИНГАН ИЛОҲИЙ КИТОБ БЎЛИБ,
114 СУРА, 6666 ОЯТ, 77434 СЎЗДАН ТАРКИБ ТОПГАН**

Қуръон сураларининг 95 таси Макка шаҳрида 13 йил мобайнида нозил бўлган ва у Маккаий суралар деб аталади. Қолган 19 сура 622 йилда юз берган ҳижратдан кейин 10 йил давомида Мадинада нозил бўлган ва у Маданий суралар дейилади. Маккада нозил бўлган оятларнинг кўпи эътиқодий масалалар, ибодат, олий ахлоқий фазилатлар, эркин фикрлилик, илмни тарғиб қилишга бағишланган

Ижтиҳод – фақиҳ томонидан шаърий ҳукмни ҳосил қилиш учун Қуръон ҳамда сунна асосида барча билим ва тоқатини ишга солиш.



**ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАСИ
ҲИСОБЛАНГАН СУННАНИНГ ТАРКИБИ
УЧ ҚИСМДАН ИБОРАТ:**



Сунна – йўл-йўриқ, фикҳий атама сифатида у ислом пайғамбарларининг сўзлари, феъллари ва тасдиқлари ҳамда саҳобаларнинг сўзлари ва амаллари мажмуидан иборат.

ИСЛОМ ХУҚУҚИНИНГ РАЦИОНАЛ МАНБАЛАРИ



*РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.В)
ИЗДОШЛАРИНИНГ
ИЖМОЛАРИ*



ҚИЁС

“Ижмо” иттифок, келишув дегани. У одиллик сифати ва мужтаҳидлик малакасига эга бўлган бир давр олимларининг муайян ҳукмлар бўйича келишувидан иборат

“Қиёс” сўзининг луғавий маъноси солиштириш ва таққослашдир. Ҳуқуқий атама сифатида у ҳукм аниқ бўлмаган масалани насс орқали ҳукм аниқ бўлган масала билан солиштириб, ораларида муштарак сабаб мавжуд бўлган суратда иккинчи масала ҳукмини ҳукм аниқ бўлмаган масалага кўчиришдан иборат

ИЖМО ИККИ ҚИСМГА БЎЛИНАДИ:




ижмо ул-умма (уммат ижмои),
яъни ислом жамоасининг келишуви




ижмо ул-аимма (имомлар –
олимлар ижмои), яъни уммат
имомлари бўлмиш фикҳ илмининг
буюк олимлари келишуви

Ижмо – муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳидларнинг бир фикрга келиши. У фикҳ манбаларидан бири.



Имон – ислом динида Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш.

4-мавзу. ИСЛОМ МАЗҲАБЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАКТАБЛАРИ



Шиалик оқими ва унинг мазҳаблари

Шиалик оқими илгари сурадиган ақидага кўра, имомат, яъни пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га ўринбосар ёки ислом давлатига раҳбар бўлиш пайғамбар васиятига биноан фақатгина пайғамбарнинг қизи Фотимадан туғилган Алининг эркак авлодларига хос



**ЖАЪФАРИЙЛИК МАЗҲАБИГА ХОС
БЎЛГАН БИР ҚАТОР ХУСУСИЯТЛАР
МАВЖУД:**

*имомат, яъни – давлат
бошқарувини эгаллашга фақат
имомлар лойиқ деб ишонили*

*Қуръон ва ўз имомлари томонидан
ривоят қилинган ҳадисларни
асосий манбалар деб қабул қилиши*

*айрим намозларни бир вақтнинг
ўзида қўшиб ўқиши*


*тахоратда оёқларни ювмасдан,
уларга фақат масҳ тортиши*

*вақтинчалик никоҳни қонуний
деб ҳисоблаши*

*насроний ёки яҳудий аёллар
(аҳли китоб аёллари)га
уйланишини ҳаром деб билиши*

Ислон ҳуқуқида ханбалійлик мазҳаби

**ҲАНБАЛІЙЛІК МАЗҲАБИ
ҚЎЛЛАГАН ҲУҚУҚІЙ МАНБАЛАРИ:**



**ФИҚҲНИНГ
РИВОЖЛАНИШИГА
ТАЪСИР ҚИЛГАН
ОМИЛЛАР**


*Уламоларнинг
давлат томонидан
қўллаб-
қувватланиши*

*Таълим марказлари
сонининг ортиши*

*Фикрлар
алмашинуви*

5-мавзу. ИСЛОМ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ


ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАЗМУНИГА КЎРА, ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ НОРМАЛАРИ ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАРГА АЖРАТИЛАДИ:



**ҚУРЪОНИ КАРИМ ВА СУННАДАГИ НОРМАЛАР
ИККИ ТОИФАГА БЎЛИНАДИ**



Турли изоҳларга муҳтож бўлмаган нормалар. Улар аниқлиги ва тушунарлилиги билан ажралиб туради, бевосита ва ягона тартибда амалиётда қўлланилади, уларни тушунишида ижтиҳодга йўл қўйилмайди



Бошқа маъноларни ҳам ифодаловчи, турли изоҳларга муҳтож мавҳум нормалар. Бундай нормаларга ижтиҳод орқали аниқликлар киритиши зарур бўлади

Мажбурий нормалар ислом таълимотида **фарз амаллар** деб аталади. Фарз амаллар қатъий белгиланган бўлиб, уларни бажариш шарт. Фарз амаллари икки турга бўлинади. **Фарзи айн** ҳар бир мусулмон бажариши шарт бўлган қоида ёки амаллар. **Фарзи кифоя** шундай нормаларки, уларни бажариш битта жамоага мансуб бўлган мусулмонларнинг барчаси учун шарт эмас. Уларнинг бир қисми ушбу нормаларни бажарсалар, қолганларининг зиммасидан мазкур мажбурият соқит бўлади. Фарзи кифоя нормаларини бажармаган мусулмонлар гуноҳкор бўлмайдилар.

Аниқ ва мавҳум нормалар

*Ислom таълимотида **суннат амаллар** мавжуд. “Суннат” лугавий маънода йўл дегани, истилоҳий маънода у Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари, маъқуллаган ишларини ифода этади*

*Суннат амалларнинг бир тури **мустаҳаб-дир**. Мустаҳаб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг умрида бир ёки икки мартаба бажариб, кейин тарк қилган амалларидир*

Макруҳ ва ҳаром амалларга қуйидагилар киради:

аёлларнинг эрлари ёки маҳрамларисиз сафарга чиқишлари, сотувчининг молини мақтаб, қасам ичиб сотиши, аёлнинг бесабаб талоқ қилиниши, ҳалоллиги шубҳали бўлган моллар билан савдо қилиши

қози ва ҳокимнинг маҳкамага мурожаат қилганларга бир хил муомалада бўлмаслиги, бировнинг ҳовлисига изнсиз кириши, эгасидан сўрамай унинг молини сотиб юбориши

бозорда нарх-навонинг кўтарилишини кутиб молларни сотувга чиқармай сақлаш ёки қиммат нархда сотиши ниятида ҳаммасини кўтарасига олиб қўйиши

қўй ё сигирни баланд нархда сотиши мақсадида бир-икки кун соғмай сақлаш, закот ёки ушр учун молнинг ёмонрогини танлаш

«МОНЕЪ» ТУШУНЧАСИ

«Монеъ» бирор-бир ҳолатнинг мавжудлиги туфайли хатти-ҳаракат қилиш мумкин эмаслигини белгилаб берувчи қоида. Масалан, умумий қоидага биноан, ука ўз акасидан мерос олиши мумкин

МУОМАЛОТ ЎЗ ЎРНИДА УЧТА АСОСИЙ ГУРУХГА БЎЛИНГАН:



*шахснинг ҳуқуқий мақомини
белгиловчи нормалар*



жиноят ҳуқуқи нормалари



фуқаролик ҳуқуқи нормалари

Ислом ҳуқуқи назарияси яна бошқа учта тармоқни – «ҳокимият нормалари» соҳаси, суд ҳуқуқи, сияр нормалари, яъни мусулмон халқаро ҳуқуқ нормаларини ажратади.

«МАЖАЛЛА-АЛ-АҲКОМ АЛ-АДЛИЯ»ДА ИСЛОМ БИЛАН БОҒЛИҚ
БЎЛГАН БАРЧА ҚОИДАЛАР ИККИ ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ:



ибодат – барча мусулмонларнинг диний
мажбуриятларни адо этишлари
билан боғлиқ қоидалар



муомалот – фуқаролар ўртасидаги
ўзаро муносабатларни тартибга
солувчи нормалар

Ибодат – Аллоҳга сиғиниш, илтижо қилиш.

Ибодийлар – хорижийларга мансуб тўрт асосий фирқа (жамоа)нинг энг «мўътадил» ҳисобланган қисми (бугунги кунда улар асосан Уммон давлати ҳудудида тарқалган).

**ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ТИЗИМИ ЎЗ ИЧИГА МУСУЛМОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲАЁТ
ТАРЗИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМА ВА ТАМОЙИЛЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ**



Мусулмонлар билан Аллоҳ ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар

Фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи нормалар

Давлатлар ҳамда динлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар


Адл – адолат, тўғрилик.

Аҳд – қасам билан берилган ваъда, топшириқ, сўз бериш, шартнома, аҳду паймон.

**ҲАНАФИЙЛИК МАЗҲАБИ ОЛИМЛАРИ ДАВЛАТЛАР, ХАЛҚЛАР, ТУРЛИ ДИНЛАР
ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАЛАР ЙИҒИНДИСИНИ
ИККИ АЛОҲИДА ГУРУҲГА АЖРАТИБ КЎРСАТИШГАН**



Биринчи гуруҳ – ибодат, яъни барча муслмонларнинг диний мажбуриятларни адо этиш билан боғлиқ қоидалар



Иккинчи гуруҳ – муомалот, яъни фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси

Илм ал-ҳадис – ҳадис илми, ҳадисшунослик.

Зиёрат – муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб, муайян расм-русумларни адо этиб келиш.

Зикр – тасаввуфда Аллоҳни ёдга олиш билан боғлиқ маросим.

Ҳаниф – яккаҳудоликка эътиқод қилувчи, ҳаққа мойил, тақводор одам. Ривоятларга кўра, исломгача Арабистондаги қабила худоларига сиғинишни рад этиб, зоҳид, яккаҳудоликка астойдил ишонган, христианликка ҳам, яҳудийликка ҳам қўшилмаган ва Иброҳим (с.а.в.) динида бўлган одам «ҳаниф» деб аталган. Қуръони Каримда Иброҳим алайҳиссалом ҳам ханиф деб аталган, унинг чинакам яккаҳудоликка асосланган динини Муҳаммад (с.а.в.) тиклаган.

ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ТИЗИМИ

Давлат ҳуқуқи ҳокимиятни амалга ошириш, давлат органларини ташкил қилиш, уларнинг ўзаро муносабатлари вазифалари, ваколатлари билан боғлиқ масалаларни, давлат органлари билан фуқаролар, ижтимоий ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади

Молия ҳуқуқи давлат даромадлари ва харажатлари, солиқлар, уларни ундириш ва тақсимлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Унинг асосий институтларига давлат даромадлари, давлат харажатлари, закот, солиқ йиғувчилар, солиқдан йиғилган маблағларни тақсимлаш кабилар киради

Фуқаролик ҳуқуқи мулкдан фойдаланиш, уни эгаллаш ва тасарруф қилиш сотиш ва сотиб олиш, ижарага бериш, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш борасида шартномалар ва мажбуриятлар, уларнинг ижросини таъминлаш кафолатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидир. Унинг асосий институтлари мулк ҳуқуқи, савдо ҳуқуқи, ижара, ҳадя, қарз, гаров, шартномалар мажбуриятлар ҳуқуқлари кабилардир


Оила ҳуқуқи никоҳни қайд қилиш, эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Мазкур ҳуқуқ соҳасининг асосий институтларини никоҳ, маҳр эр-хотиннинг ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳни тугатиш, нафақа бериш, васийлик ва ҳомийлик кабилар ташкил қилади

Мерос ҳуқуқи мерос очилиши, мерос турлари, мерос қолдирувчи ва мерос олувчилар ўртасидаги муносабатлар, меросни тақсимлаш меросга алоқадор низорларни ҳал қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидир. Мерос ҳуқуқининг асосий институтлари васият, қонун бўйича мерос, меросни тақсимлаш, вояга етмаганларнинг мерос мулки бўйича васийлиги кабилардир

Жиноят ҳуқуқи жиноят ва уларнинг турлари турли жиноятларни содир қилганликлари учун белгиланадиган жазо турлари билан боғлиқ, ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ушбу ҳуқуқ соҳаси институтларини “жиноят” тушунчаси, унинг турлари, таркиби, жиноятда иштирокчилик, жазо ва унинг турлари ташкил қилади

Суд ҳуқуқи фуқаролик ва жиноят ишларини судда кўриб қарор чиқариш, уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидир. Фуқаролик ва жиноят ишларини судда кўриш учун қабул қилиш, суд муҳокамаси, даъвогарлик, жавобгарлик, гувоҳлик, вакиллик, далиллар, суд қарори ва ҳукми ҳамда уларнинг ижросини тахминлаш ушбу ҳуқуқ соҳасининг асосий институтларини ташкил қилади

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ШАКЛЛАРИ
ҚЎЙИДАГИЛАРГА БЎЛИНАДИ:**



СУННИЙЛИК ОҚИМИДА – ХАЛИФАЛИК



ШИАЛИК ОҚИМИДА – ИМОМЛИК

**ДАВЛАТ БОШЛИҒИ СИФАТИДА ХАЛИФАГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Юксак илмли бўлиш

Адолат соҳиби бўлиш

Иқтидор эгаси бўлиш

Аъзои баданининг соғлом бўлиши

Фикҳ – ислом ҳукуки.

Фақих – шариат ҳукмларини мукамал билган, фикҳ фани билан шуғулланувчи одам.

**«ХУЛАФО АР-РОШИДИН», ЯЪНИ ТЎҒРИ ЙЎЛДАН
БОРГАН ХАЛИФАЛАР ҚУЙИДАГИЛАР:**

Абу Бакр ас-Сиддиқ (632-634 йй.)

Умар ибн-Аффон (634-644 йй.)

Усмон ибн-Хаттоб (644-656 йй.)

Али ибн Абу Толиб (656-661 йй.)

Уламо – ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олими.

Фатво – исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ.

Вазир – давлат маъмурий бошқаруви раҳбари.

Мамлук – ҳарбий қўшинда хизмат қилувчи қул-жангчи.

**ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛАРИ МУЛК ҲУҚУҚИ ПРЕДМЕТИНИ
ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ЕРНИНГ
БЕШ ТУРИНИ ФАРҚЛАЙДИЛАР**

«ЖОНСИЗ» ЕРЛАР

«ЖОНЛАНТИРИЛГАН» ЕРЛАР

ТАНОБ ЕРЛАР

ХИРОЖ ЕРЛАР

ҲОБУС

Закот – мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон.

Ижара – бирор нарсани маълум муддатга, маълум маблағ эвазига омонатга олиш, ёллаш.

Ерлар уч гуруҳга тақсимланади:

мулк (ёки хусусий мулк тариқасидаги) ерлар

хирож (солиқ солинадиган) ерлар

вақф (хусусий мулк эгалари диний муассасалар ёки
худойихоналарга мулк қилиб берган) ерлар

Жизя – дастлаб араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи.

ИСЛОМДА ЗАКОТ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

Муомалада бўлган пулнинг мавжудлиги

Нисоб (закоот миқдори)

Балогат ёшига етганлик

Ақли расолик

Закоот қуйидагиларга берилади:


фақирлар

мискинлар


қарздорлар

6-мавзу. ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИ


Никоҳ – икки қарама қарши жинс вакиллари томонидан шариат нормаларига мувофиқ тузилган келишув



**ИСЛОМ ҲУҚУҚИГА БИНОАН, УЙЛАНИШ МУМКИН БЎЛМАГАН
АЁЛЛАР ИККИ ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ:**



*умуман уйланиш мумкин
бўлмаган аёллар*



*уйланишни ман қилувчи сабаб
кетгандан сўнг уйланиш мумкин
бўлган аёллар*

Маҳр – тенг ҳуқуқли никоҳ тузилган пайтда эрнинг ўз хотинига ажратиб берадиган мулки.

Маҳрам – шариатга хос тушунча бўлиб, аёл киши юзи очиқ ҳолда кўришиши мумкин бўлган эркакка яқин қариндошлар.


Ҳанафийлик мазҳаби намояндаларининг фикрича, оилавий ҳаётнинг яхши ва чиройли давом этиши учун келин билан куёв бир неча нарсаларда, яъни **диёнат**, **иқтисод** ва **касб-ҳунарда** ўзаро тенг бўлишлари керак

Диёнат деганда, аёлнинг эътиқоди, диндорлиги, солиҳалиги назарда тутилади. Бундай аёл эътиқодсиз, гуноҳ ишларни ошкора қилиб юрган эр кишига тенг бўлмайди


Иқтисоддан мақсад келин билан куёвнинг оилалари иқтисодий томондан бир-бирларига яқин бўлсалар, ўзаро тил топишишлари осон ва енгил бўлади

Касб ва ҳунар деганда, куёвнинг касб-ҳунари, келиннинг отаси касб-ҳунарига яқинроқ бўлиши назарда тутилади

**ШАРИАТ БЎЙИЧА НИКОҲ ҚЎЙИДАГИ
АСОСЛАРГА КЎРА ТУГАТИЛИШИ МУМКИН:**



Талоқ –никоҳнинг шариатга кўра бекор қилиниши.



ИСЛОМ ХУҚУҚИДА ИНСОН ВАФОТ ЭТГАНИДАН СЎНГ УНДАН ҚОЛГАН МУЛКНИ МЕРОС ҚИЛИБ ТАҚСИМЛАШДАН ОЛДИН МОЛ-МУЛККА НИСБАТАН ТЎРТ ХИЛ ҲАҚ БЎЛАДИ:

кафанлаш

майитнинг молиявий қарзларини узиш

ювиш-кўмиш харажатларини қилиш

васиятни амалга ошириш

ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ НИСО СУРАСИ 8-ОЯТИ МАЗМУНИГА КЎРА,
МЕРОСХЎРЛАР УЧ ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ

Фарзгирлар, яъни Қуръонда
улушлари баён қилинган қариндошлар


Асабалар, яъни ота томондан
қариндошлар

Зав ул-арҳом, яъни фарзгир ҳам, асаба ҳам бўлмаган
бошқа қариндошлар бўлиб, биринчи ва иккинчи гуруҳ
меросхўрлар бўлмаганида мерос олишга ҳақли

Васий – васиятнома ижрочиси.


Вақф – давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк.

Мерос – мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси вафот этиши билан уларнинг бошқа шахсга ўтиши.




Мулк – айрим шахсга қарашли ер ва бошқа мол-мулк.

7-мавзу. ИСЛОМ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. МАЖБУРИЯТ



**ИСЛОМ ҲУҚУҚИГА КЎРА, БУЮМЛАР ҚУЙИДАГИ
ХУСУСИЯТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ:**



муайян қийматга эга бўлиши

истеъмолга яроқли бўлиши


табиатига кўра кимнингдир хусусий мулки бўла олиш хусусиятига эга бўлиши


жамғарилиш хусусиятига эга бўлиши

Садақа – хайр-эҳсон.

Уммат – ислом таълимотига кўра барча иймон келтирганлар.

Зиммий – ислом давлати соясида яшайдиган ғайридин. Исломда яҳудий ҳамда христиан динига сиғинувчилар зиммийлар деб аталади.





Байтулмол – ислом мамлакатларида давлатга қарашли мол-мулк.

Вақф – давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк.

Рибо – пулга фойда олиш, судхўрлик.

**ИСЛОМ ҲУҚУҚИГА КЎРА, КЎЧМАС МУЛК ҚУЙИДАГИ
КАТЕГОРИЯЛАРГА БЎЛИНАДИ:**

мамлука – шахсларнинг қўлидаги хусусий мулки

амирия – давлат мулки

матрука – ташландиқ ерлар (умум фойдаланадиган яйлов, ўрмонлар)

амвот – ўлик, яъни қаровсиз ерлар

**ИСЛОМ ҲУҚУҚИГА КЎРА, ЭГАЛИК ҚУЙИДАГИ
АСОСЛАРДА ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИ:**



*фуқаролик битимлари
орқали*

мерос олиш орқали

*ганиматларга эга бўлиш
орқали*

Луқота – топилма дегани. Унга ҳар қандай топилма буюмлар, топилган болалар, кишилар киради. Мазкур топилмаларни ўзлаштириш унинг топилган вақти, жойига боғлиқ, яъни ўз шахсий томорқасидан хазина топиб олган шахс уни эгаси бўлади.



Ислом ҳуқуқида ўзаро урушларда эгасиз сочилиб ётган ашё-буюмларни **ғанимат** сифатида эга бўлишга, табиат ресурсларига эга бўлишга, ҳайвонларни ов қилишга, дарёдаги неъматлардан фойдаланишга рухсат берилган.

Шафоат (қўшничилик) шундан иборатки, биров бирон-бир кўчмас мулк сотиб олган бўлса, агар харидор бегона бўлса, яъни бу мулкка қўшни бўлмаса ёки бундай ҳуқуққа эга қўшнидан пастроқ даражада бўлса, бу ҳолда сотилган мулкни шу нарҳда шафоат ҳуқуқига эга бўлган шафиқ (қўшни) сотиб олиши мумкин

Шафоат ҳуқуқини амалга ошириш учун қуйидаги амаллар бажарилиши лозим:

мулк кимга ва қанча пулга сотилаётгани маълум бўлгани заҳоти қўшни ўз шафоат ҳуқуқини талаб қилиб, бу мулкни сотиб олиши лозим. Бундай талаб мавосиба деб аталади


мулк сотувчи қўлида бўлса, унга ёки олибсатар қўлида бўлса, унга қўшни келиб, уларни гувоҳликка чақириши ва сотилган мулкни ўз шафоат ҳуқуқи бўйича сотиб олиш ниятини билдиради. Бу талаб ашҳад (гувоҳлик) деб аталади

шу икки талабдан кейин харидор сотиб олинган мулкдан воз кечмаса, қўшни қозига мулкни олиб беришни сўраб арз қилиши лозим. Бу арз хусумат (эътироз) деб аталади


ШИРКАТЛАР ИККИ ХИЛ БЎЛАДИ

«Ширкати мулк» (мулкчилик ширкати) – камида икки киши томонидан уларнинг умумий тасарруфидаги маҳсулот ёки мол-мулкка тузилади

«Ширкати аҳд» – камида икки киши томонидан савдо-сотик ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш учун тузилади



Ижара – бирор нарсани маълум муддатга, маълум маблағ эвазига омонатга олиш, ёллаш.



Гаров – бирор қийматга эга бўлган моддий ашёни ҳақ эвазига ушлаб туришдир.

Роҳин – гаров қўювчи.

Муртаҳин – гаровга олиб қолувчи.


**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ НОРМАЛАРИ МАВЖУД:**

- *мулкдан фойдаланиш*
- *уни эгаллаш ва тасарруф қилиш*
- *сотиш ва сотиб олиш*
- *ижарага бериш, ҳадя қилиш*
- *гаровга қўйиш*
- *шартномалар ва мажбуриятлар
бажарилишининг кафолати*

8-мавзу. ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ҲАМДА СУД ҲУҚУҚИ

Ислом ҳуқуқида **жиноят** – бу тақиқланган хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши.

Жиноят ҳуқуқи – жиноят ва уларнинг турлари, турли жиноятларни содир қилганликлари учун белгиланадиган жазо турлари билан боғлиқ, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси. Ушбу ҳуқуқ соҳаси институтларини жиноят тушунчаси ва унинг турлари, жиноят таркиби, жиноятда иштирокчилик, жазо ва унинг турлари ташкил қилади



Жиноятлар жиноятчи томонидан содир этилиш усулларига кўра, **оддий** ва **такрорланувчи жиноятларга** бўлинади

Оддий жиноятлар вақтинчалик ёки давом этувчи бўлиши мумкин. Худуд, қасос ва дия жиноятлари оддий жиноятлар тоифасига мансубдир

Такрорланувчи жиноятлар бирор ишнинг қайта такрорланишидан юзага келади. Иш ўз кўриниши билан жиноят бўлмаса ҳам, лекин унинг қайта-қайта такрорланиши жиноят дейилади. Қайта такрорланувчи жиноятлар таъзир жиноятлари таркибига кириб, уларни бажариш мусулмон ҳуқуқи аҳкомларида ман этилган

Жиноятлар белгиланган жазодан келиб чиқиб қуйидаги турларга бўлинади:



худуд жиноятлари



қасос жиноятлари



таъзир жиноятлари

Худуд жиноятларига ҳад жазолари белгиланган бўлиб, у Аллоҳ ҳақи учун бериладиган жазодир. Ҳад – жазоси муайян белгиланган бўлиб, унинг қўйи ёки юқориси бўлмайди. Аллоҳнинг ҳаққи, яъни бу белгиланган жазодан ҳеч бир шахс ёки жамоа озод этилмаслигидир

ҲАД ЖИНОЯТЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ КИРИТИШ МУМКИН:

зино жиноятлари


ёлгон гувоҳлик бериши

маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиши

ўғрилиқ, қароқчилик

диндан чиқиши, қўзғолон кўтариши

Қасос ёки дия жиноятларига мустаҳиқ дейилади. Қасос ва дия жиноятлари ҳад жазолари каби аниқ белгиланган бўлиб, шахс ҳаққи учун бажарилади



**ҚАСОС ФАҚАТГИНА ҚОТИЛЛИКДА АНИҚ АЙБЛАНГАН ШАХСЛАР
УСТИДАН ИЖРО ЭТИЛАДИ ВА У ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН
ТАСДИҚЛАНАДИ: ҚОТИЛНИНГ ИҚРОРИ, ГУВОҲЛАР
КЎРСАТМАЛАРИ, ҚАСАМ**

**ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИДА СУДНИНГ
УЧТА КЎРИНИШИ МАВЖУД БЎЛГАН**

Мазолим суд, яъни жойларда
халифа буйруғига кўра
ташkil этиладиган суд

Мусулмон нормалари бўйича
ташkil этилган оддий суд

Зиммийлик суди, яъни
мусулмон бўлмаган
фукараларнинг ишлари билан
шуғулланувчи давлат суди



Иқрор – тан олиш. Гумондор уч маротаба ўз айбига гувоҳлар иштирокида иқрор бўлмагунича, унга нисбатан чора қўлланилмайди.

**ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ҚОНУНШУНОСЛАРИ
ҚАСАМНИ УЧГА БЎЛИШГАН**

ҒУМУС ҚАСАМИ

МУНАҚИДА ҚАСАМИ

ЛАҒВ ҚАСАМИ

9-мавзу. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДА ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ислом ҳуқуқида ревайвализм ва танзимот ислоҳотлари

ХІХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ислом ҳуқуқи мақомида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бу, энг аввало, юксак ривожланган ислом мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари ўз ўрнини Ғарбий Европа андозаларига асосланган қонунчиликка бўшатиб берганлиги билан боғлиқ

Ислоҳотлар, бир томондан, янги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, иккинчи томондан эса, хорижий капиталнинг хуружи ва мавқеининг таркибига кирган мамлакатларнинг ижтимоий ривожланишига сиёсий-мафкуравий таъсири билан боғлиқ эди. Бундай шароитда ислом ҳуқуқи ижтимоий сабабларнинг кенг доирасини мутаносиблаштириши эҳтиёжларига жавоб бериши имкониятига эга бўлмай қолди ва ўз етакчилик ўрнини Ғарбий Европа ҳуқуқий шаклига бўшатиб берди. Ушбу ўзгаришлар Миср ҳуқуқий тизимига ҳам таъсир кўрсатди

Турк султонининг Мисрдаги ноиб Муҳаммад Али ва унинг издошлари сиёсати мазкур мамлакатда капиталистик муносабатларнинг ривожланишига объектив йўналган бўлиб, ҳуқуқий соҳада ХІХ асрнинг 70 – 80-йилларида қатор муҳим қонунларни, жумладан, фуқаролик, тижорат, жиноят, денгиз, аралаш фуқаролик ва жиноят-процессуал (1875 й.) кодекслар ҳамда судларни Ғарбий Европа андозаси, хусусан, Франция асосида чиқаришда ифодаланди. Мазкур ислоҳотлар натижасида Мисрда ислом ҳуқуқининг таъсир доираси асосан шахсий мақом ва вақфларнинг ҳуқуқий ҳолати муносабатларини мутаносиблаштиришдан иборат бўлди

Давоми кейинги бетда

Сурия, Ливан, Ироқда ҳуқуқий тизимларнинг ўзгариш унчалик чуқур бўлмади. Бу мамлакатларда ер ва жиноят, процессуал кодексларнинг қабул қилинганлигига қарамай, ислом ҳуқуқини қўллаш соҳаси сезиларли даражада бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, бу даврда (1869 – 1876) йилларда Мажалла – Усмон салтанати Фуқаролик кодексини чиқариш йўли билан ислом ҳуқуқи нормаларини кодекслаштириш ўтказилган эди

Маълумки, Мажалла Туркияда 1926 йилгача, Ливанда 1932 йилгача, Сурияда 1949 йилгача, Ироқда 1953 йилгача, Иорданияда эса 1976 йилгача амал қилди. Ҳозирги кунда унинг таъсири қисман Исроил, Қувайт ва Кипрда сақланиб қолган. XX аср бошларида фақат Арабистон ярим оролидаги ва Форс кўрфазидаги мамлакатлардагина ислом ҳуқуқи ўз мавқеини сақлаб қолиб, анъанавий шаклда кенг қўлланиб келган дейиш мумкин

Юксак ривожланган араб мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари баъзи чекланишлар билан икки асосий андоза: роман-герман (француз) – Миср, Сурия, Ливан, Мағриб мамлакатларида, англиз-саксон тизими эса – Ироқ ва Суданда урф бўлди. Мазкур мамлакатларда мусулмон ҳуқуқи оила-никоҳ, ворислик ва мусулмонлар (баъзан мусулмон бўлмаганлар) ўртасидаги баъзи бошқа муносабатлар соҳасида сақланиб қолди. Умуман ислом ҳуқуқий тизимининг ифодаланишини Эрон ҳуқуқий тизимига нисбатан айтиш мумкин

Эронда XX асрнинг 20-30-йилларида тижорат, жиноят, фуқаролик ва фуқаролик-процессуал кодексларни қабул қилиш билан боғлиқ жиддий ислоҳотлар натижасида ислом ҳуқуқининг таъсир доираси анча камайди. Жаъфарийлар мазҳабининг қонун-қоидалари фақат шахсий мақом ва вақфларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш соҳасида ўз мавқеини сақламоқда

**БЕВОСИТА АМАЛДАГИ ИСЛОМ ҲУҚУҚИ МИҚЁСИНИ, УНИНГ ҚОНУН ЧИҚАРИШГА
НИСБАТАН ТАЪСИР ДАРАЖАСИНИ АСОС ҚИЛИБ, ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИ ҲОЗИРГИ
ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИНГ ҚУЙИДАГИ ТАСНИФИНИ КЕЛТИРИШ МУМКИН:**

*муслмон ҳуқуқи кенг қўлланиб келинаётган Саудия Арабистони, Уммон ва Эрон ҳуқуқий тизимлари **биринчи гуруҳни** ташкил этади*

*Покистон, Яман, Ливия, Судан ҳуқуқий тизимлари **иккинчи гуруҳни** ташкил этади*

*Африка қитъасининг Танзания, Кения, Гвинея каби мамлакатлари, шунингдек, Осиёдаги мамлакатлар – Ҳиндистон ва Филиппин ҳуқуқий тизими **махсус гуруҳни** ташкил этади*

*Форс кўрфазидаги қатор мамлакатлар – Бирлашган Араб Амирликлари, Бруней, Малайзиянинг айрим иштатлари ҳуқуқий тизимлари **мустақил гуруҳни** ташкил этади*

Яна бир кўпсонли гуруҳнинг аксариятини Араб мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари ташкил этади. Ушбу гуруҳга Миср, Сурия, Ироқ, Ливан, Марокаш, Иордания, Жазоир, шунингдек, Африканинг қатор мамлакатлари – Сомали, Мавритания, Нигериянинг шимолий иштатлари ҳамда Осиёдан Афғонистон каби мамлакатлар ҳуқуқий тизимларини киритиш мумкин

**Шариат нормаларига асосланган ислом давлатларида муомалага
лаёқатли мусулмонларнинг хатти-ҳаракатлари
беш мезон асосида баҳоланади. Булар қуйидагилар:**

бажарилиши зоятда муҳим ва қатъий-мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар (фарз ё вожиб). Масалан, намоз ўқиши, закот бериши. Бу ҳаракатлар фарз бўлгани сабабли алоҳида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни талаб қилмайди


бажарилиши яхши ҳисобланиб, тавсия қилинадиган хатти-ҳаракатлар (суннат ё мустаҳаб). Масалан, уйланиши, садақа бериши. Бундай хатти-ҳаракатларнинг бажарилиши қатъий-мажбурий бўлмаса-да, уларни бажариши маъқул ҳисобланади ва рағбатлантирилади

рағбатлантирилмайдиган ва уни бажармаслик гуноҳ ҳисобланмайдиган ихтиёрий хатти-ҳаракатлар (мубоҳ, жоиз). Масалан, битим, савдо шартномалар тузиши, сафар қилиши, емоқ, ичмоқ ва бошқалар

жазога тортилмайдиган, аммо номаъқул ҳисобланадиган хатти-ҳаракатлар (макруҳ). Масалан, сўзлашув жараёнида сўкиниши, нуроний, ёши улуг кишиларни ҳурмат қилмаслик, сувни ифлослантириши, ҳайвонларга ҳаддан ортиқ юк ортиши ва ҳоказо

қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар (ҳаром). Масалан, чўчқа гўштини истеъмол қилиши, арақ ичиши, одам ўлдириши сингари ҳаракатлар мисол бўлади. Бундай хатти-ҳаракатлар учун гуноҳкорлар жуда қаттиқ жазоланадилар

ИСЛОМГА ЭЪТИҚОД ҚИЛУВЧИ ШАХСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-мавзу. “ИСЛОМ ҲУҚУҚИ” ТУШУНЧАСИ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ	4
2-мавзу. ИСЛОМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ ҲУҚУҚИ	15
3-мавзу. ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ	25
4-мавзу. ИСЛОМ МАЗҲАБЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАКТАБЛАРИ	33
5-мавзу. ИСЛОМ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ	38
ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ТИЗИМИ	45
6-мавзу. ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИ	51
7-мавзу. ИСЛОМ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. МАЖБУРИЯТ	58
8-мавзу. ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ҲАМДА СУД ҲУҚУҚИ	70
9-мавзу. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДА ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	77

юримдик фанлар номзоди, доцент **Саидов Бахром Анварович**
юримдик фанлар номзоди, доцент **Тастанбекова Гулчехра Садановна**
юримдик фанлар номзоди, доцент **Фозилов Умид Эркинович**
юримдик фанлар номзоди **Нуридуллаев Аслиддин Ахрорович**

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Чизмалар альбоми

Муҳаррир **Ж. Э. Холов**
Техник муҳаррир **Д. Р. Джалилов**

Босишга рухсат этилди 02. 05. 2017 й. Нашриёт ҳисоб табағи 4,6.
Адади 30 нусха. Буюртма

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.